



« 02 » Июль 2021-ж.

№ 01-01/03-3162

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 у.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашига

Сизнинг, 2021 йил 25 июндаги 3/1080-сонли хатингизда келтирилган, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг маслаҳатчиси-Вазирлар Маҳкамаси IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментининг 2021 йил 21 июндаги 08/1-347-сонли хати талабларига биноан, [ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz) ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати ва тасарруфдаги туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларида жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “UNICON-SOFT” масъулияти чекланган Жамият билан [ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz) электрон тизимига уланиш бўйича шартнома тузилди. Тасарруфимиздаги туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳам шу тизимга уланиш бўйича қайд этиб ўтилган Жамият билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб боришмоқда. Яқин кунларда, “UNICON-SOFT” МЧЖ ходимлари томонидан [ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz) электрон тизимида иш юритиш бўйича вазирлик ходимларига семинарлар ўтказилиши режалаштирилган.

Вазир

Р.Реимов

Ижрочи: Р.Худайбергенов  
Тел: 93. 485-17-51

